

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУМИНОВА ГУЛМИРА БАХОДИРОВА

АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН МАРКЕТИНГ
СТРАТЕГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

08.00.11 – Маркетинг (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Content of the dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on economic sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

Муминова Гулмира Баходировна

Ахборот коммуникация хизматлари бозорини ривожлантиришда
инновацион маркетинг стратегияларидан фойдаланиш..... 3

Muminova Gulmira Bakhodirovna

Using innovative marketing strategies in the development of the market of
information and communication services..... 25

Муминова Гулмира Баходировна

Использование инновационной маркетинговой стратегии в развитии
рынка информационно-коммуникационных услуг 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works
Список опубликованных работ..... 52

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУМИНОВА ГУЛМИРА БАХОДИРОВА

АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН МАРКЕТИНГ
СТРАТЕГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

08.00.11 – Маркетинг (иқтисодиёт фанлари)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Iqt301 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdiu.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилида жойлаштирилди.

Илмий раҳбар:

Бекмурадов Адхам Шарипович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Расулев Дилмурод Мирзаахмедович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Шарифходжаев Усмон Улфатович
иқтисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент ахборот технологиялари университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tdiu.uz

Диссертацияси билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-43-51, e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.Ш. Шодиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
ўринбосари, и.ф.д., профессор

А.Н. Самадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, и.ф.н., доцент

М.А. Маҳкамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)нинг жадал ривожланиши таъсирида инновацион тизимда ишлайдиган компьютерлар, мобил телефонлар ва интернет технологияларининг пайдо бўлиши хизматлар соҳасининг тубдан ўзгаришига олиб келди. Натижада, ҳозирда рақамли иқтисодиёт ва унга асосланган бошқарув усулларининг амалиётда кенг қўлланилиши жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг асосий омилларидан бирига айланди. Ривожланган давлатларнинг ялпи ички маҳсулотида рақамли иқтисодиётнинг улуши 2010 йилда 1,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 5,5 фоизни ташкил этди¹. Ривожланаётган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотида рақамли иқтисодиётнинг улуши эса, 3,6 фоиздан, 2017 йилга келиб, 4,9 фоизга етди.

Жаҳонда амалга оширилаётган илмий-техник тадқиқотлар, ҳукуматлар томонидан амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар, йирик трансмиллий компанияларда истеъмолчилар эҳтиёжларининг мунтазам равишда ўзгарувчанлиги билан боғлиқ хатти-ҳаракатларни таҳлил ва синтез қилиш, шунингдек, ахборот алмашинувининг эркинлашуви таъсирида ўсиб бораётган контентнинг роли ҳамда рақамли жамиятни барпо этишнинг бошқа йўналишлари корхоналарда маркетинг фаолиятини амалга оширишнинг кенг имкониятларини яратмоқда. Халқаро экспертларнинг фикрларича, анъанавий маркетинг методлари бугунги кунда ўзгариб бораётган бозор талабларига етарлича жавоб бера олмаяпти². Мазкур муаммоларнинг мавжудлиги жаҳон мамлакатлари ахборот-коммуникация хизматлари бозорида инновацион маркетингнинг технология ва усулларини жорий этишга қаратилган тизимли илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар шароитида жамият ва иқтисодиётнинг барча секторларида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга қаратилган изчил чоратadbирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида «Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқишимиз керак. Шу асосда «Рақамли Ўзбекистон – 2030» дастурини ҳаётга татбиқ этишимиз зарур. Рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради»³, - деб белгилаб берган вазифалари мамлакатимиз ахборот коммуникация хизматлари бозорини ривожлан-тиришда инновацион маркетинг стратегияларидан фойдаланиш зарурлигини тақозо этади.

¹ Measuring the Information Society Report Volume 1. 2018. ITUPublications. Statistical reports. International Telecommunication Union. Place des Nations. CH-1211 Geneva Switzerland.

² OECD Information Technology Outlook, 2015.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. – www.uza.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5099-сон, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5349-сон фармонлари, 2017 йил 29 августдаги «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3245-сон қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республикамиз фан ва технологиялари ривожланишининг I.»Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инновацион маркетингнинг илмий ва амалий муаммолари, рақамли маркетинг технологияларидан фойдаланиш масалалари бўйича кўплаб хорижлик олимлар жумладан, Braun, E., Brinker, S., Collin, R., Dinis, A., Hsu, Y., Lapidus, L.V., Pulizi, J., Weber, R., Williams, J., Chinn, S.J., Crestodina A. кабилар мазкур соҳада илмий тадқиқот ишларини амалга оширганлар⁴.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида бу борада Халилов Д., Маркова В.Д., Кузнецова С.А., Огелова Л.Н., Голубков Е.Н. сингари олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар⁵.

Республикамизда ахборот коммуникация хизматлари бозорини ривожлантиришда инновацион маркетинг стратегияларидан фойдаланиш масалалари А.Бекмуродов, Г.Ахунова, М.Болтабоев, Ж.Жалолов, А.Солиев,

⁴ Braun, E. (2017, March 31). Content Marketing vs. Social Media Marketing: What's The Difference? Retrieved from [www.marketingsolved.com: https://www.marketingsolved.com/content-marketing-vs-social-media-marketing-whats-the-difference/](https://www.marketingsolved.com/content-marketing-vs-social-media-marketing-whats-the-difference/); 15. Brinker, S. (2015, September 28). The 5 digital dynamics that are transforming marketing. Retrieved November 28, 2017, from Marketing Technologist Blog: <http://chiefmartec.com/2015/09/5-digital-dynamics-transforming-marketing/>; Collin, R. (2016). Mobile Banking: Paying for the Perks. *BusinessNHmagazine.com*; 31. Dinis, A. (2006, January 1) Marketing and Innovation: Useful Tools for Competitiveness in Rural and Peripheral Areas. *European Planning Studies* (14); Hsu, Y. (2011). Design innovation and marketing strategy in successful product competition. *Journal of Business & Industrial Marketing*, 4.; Лapidус Л.В. (2016, Апрель), Краудсорсинг и краудфандинг: маркетинговое продвижение проектов, продуктов и услуг. Вестник Финансового Университета; Pulizi, J. (2016, July 1) Roundtable: Content Marketing. Retrieved from [www.asne.org.](http://www.asne.org/); Weber, R. (2010). Digital Trade in WTO Law - Taking Stock and Looking Ahead. *Asian Journal of WTO and International Health Law and Policy* (5); Williams, J., & Chinn, S. J. (2010). Meeting relationship-marketing goals through social media: A conceptual model for sport marketers. *International Journal of Sport Communication*.

⁵ Crestodina, A. (2016). *Content Chemistry: The Illustrated Handbook for Content Marketing* (4 ed.). USA: Orbit Media Studios; Halilov, D. (2017). *Маркетинг в социальных сетях (Marketing in the social networks)*. Манн, Иванов, и Фербер; Маркова В.Д. *Маркетинг инноваций: учеб-метод. пособие/Новосибирский гос.ун-т. Новосибирск, 2011.*; Огелова Л.Н. (2004). *Инновационный менеджмент.* –М.: ИНФРА-М (ИНФРА-М); Голубков Е.П., *Маркетинговые исследования, теория, методология и практика. Учебник.-3-изд., перераб. идоп.* -М.: Издательство «Фин-пресс», 2003.-496с; Kvint, V. (2016). *Strategy for the Global market: Theory and Practice Applications.* New York: Routledge: Taylor & Francis Group.

А.Фаттахов, М.Қосимова, Ш.Эргашходжаева, М.Юсупов, Б.Бегалов, А.Мусалиев ва бошқа олимларнинг⁶ илмий изланишларида ўз аксини топган.

Санаб ўтилган олимларнинг маркетинг фанига қўшган салмоқли ҳиссасига қарамай, уларнинг илмий ишларида ахборот-коммуникация хизматлари бозорини ривожлантиришда инновацион маркетинг стратегияларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари, рақамли маркетинг стратегияларидан фойдаланишнинг тармоқ хусусиятлари инобатга олинмаган. Шу сабабли, ахборот-коммуникация хизматлари бозорини ривожлантиришда инновацион маркетинг стратегияларидан фойдаланишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АУ-1-32 «Миллий брендларни шакллантириш асосида мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш» мавзусидаги амалий лойиҳа (2015-2017 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ахборот-коммуникация хизматлари бозорини ривожлантиришда инновацион маркетинг стратегияларидан фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ахборот-коммуникация хизматлари бозорида маркетинг фаолияти ривожланишининг глобал тенденцияларини тадқиқ этиш;

ахборот-коммуникация хизматлари бозорида инновацион маркетинг стратегияларидан фойдаланиш бўйича илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация хизматлари бозорининг ривожланишида инновацион маркетинг стратегияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятларини тадқиқ этиш;

инновацион технологиялар бозорининг ривожланиши шароитида ахборот-коммуникация хизматларини тақдим этишнинг концептуал ёндашувларини ва самарали маркетинг стратегияларини танлаш;

ахборот-коммуникация хизматлари бозорида инновацион маркетинг стратегияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари кўрсатиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги таркибидаги ахборот-коммуникация хизматларини кўрсатувчи корхоналарнинг маркетинг фаолияти ҳисобланади.

⁶Бекмуродов А.Ш. Эффективность маркетинга средств производства. Автореф. дисс. док. экон наук. – Т. 1993; Ахунова Г.Н. Таълим тизимида маркетинг ва уни такомиллаштириш йўллари. Иқт.ф.д. илм. дар. олиш учун дисс. – Т., 2004; Болтабаев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. Монография – Т.: Фан, 2004.; Жалолов Ж. Маркетинг. – Т.: 1999. – 120 б.; Иватов И. Ўзбекистон дехкон бозорида маркетинг фаолияти ривожланишининг истикболлари. И.ф.д. илм. дар. олиш учун дисс. – Т., 2003; Фаттахов А.А. Стратегия маркетинга в оптовой торговле и пути повышения ее эффективности. Монография. – Т.: Фан, 2005. 179 с.; Эргашходжаева Ш., Қосимова М. С., Юсупов М. Marketing. – Т.: ТДИУ, 2018. - 232 б.

Тадқиқотнинг предметини ахборот-коммуникация хизматлари бозорини ривожлантиришда инновацион маркетинг стратегияларидан фойдаланиш жараёнида вужудга келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий абстракция, статистик гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, тизимли ёндашув, танланма кузатув, таққослаш ва қиёсий таҳлил, сўровнома, PLS таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ижтимоий медиа хизматлари кўрсатувчи компанияларнинг инновацион маркетинг стратегияларининг самарадорлигини баҳолаш истеъмолчиларни ҳисобга олиб борувчи платформалар асосидаги мулоқот ва медиа брендларни рақамли дастурлар орқали онлайн тарғиб этиш омиллари негизда такомиллаштирилган;

маркетинг маконидаги электрон хизматлар бозори рақобатбар-дошлигини ошириш ва истеъмолчиларга ижтимоий наф келтирувчи ўзаро хатти-ҳаракатларни ўрнатишда ижтимоий медиа миқозларининг мақсадли сегментини танлашнинг маркетинг мобил қидируви, геотаргетинг, тезкор мулоқот кодлари (QR-код) ва яқин майдон алоқаси шаклидаги фаол маркетинг платформаларининг таъсири асосланган;

ахборот-коммуникация хизматларини тақдим этувчи компанияларнинг истеъмолчилар билан қайта алоқа механизми инновацион маркетингнинг контент ва ижтимоий медиа маркетинг технологияларига «artificial intelligence»ни мақсадли жойлаштириш асосида такомиллаштирилган;

ахборот хизматлари кўрсатувчи компанияларнинг веб-сайтларини ижтимоий медиалар билан мультипликатив алоқасини таъминлашнинг қидирув тизимини оптималлаштириш (SEO), виртуал ахборот маконлари рейтинги ва персонал брендингини татбиқ этиш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ахборот-коммуникация хизматларини тақдим этувчи миллий компанияларнинг сифати ва самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилувчи амалдаги муаммолар, шунингдек, мазкур компанияларнинг рақобат позициясини кучайтириш мақсадида инновацион маркетинг стратегияларидан фойдаланиш имкониятлари аниқланган;

ахборот-коммуникация хизматлари бозорида миллий компаниялар маркетинг фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилган ҳамда инновацион маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоратадбирларининг самарадорлигини баҳолаш тизими таклиф этилган;

ахборот-коммуникация хизматларини кўрсатувчи корхоналарнинг рақамли технологиялардан фойдаланишда ижтимоий медиа платформалари орқали мулоқот ўрнатиш элементлари белгилаб берилган;

истеъмолчиларни электрон тижорат платформалари хизматларидан қониқиш даражасини баҳолаш асосида ижтимоий медиалар билан интеграциясини кенгайтириш ва электрон тижорат веб-сайти орқали таклиф этилаётган контент маркетинг самарасини ошириш йўллари асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг

мақсадга мувофиқлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистика маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг амалда синовдан ўтказилганлиги, олинган натижаларнинг ваколати давлат ташкилотлари томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва методологик асослар республика ахборот-коммуникация хизматлари бозорида фаолият юритувчи миллий компанияларнинг инновацион маркетинг стратегияларини такомиллаштиришга доир ёндашувларни ишлаб чиқишда фойдаланилади. Тадқиқот натижалари ахборот-коммуникация хизматлари бозоридаги корхоналар фаолиятининг концептуал асосларини такомиллаштиришда, соҳанинг қисқа ва узоқ муддатларга мўлжалланган иқтисодий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва тавсиялардан ахборот ва коммуникация хизматларини тақдим этувчи компанияларининг инновацион маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, шунингдек, иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида «Инновацион маркетинг», «Брендни бошқариш», «Интернет маркетинг» сингари фанлардан ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлашда илмий-услубий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ахборот-коммуникация хизматлари бозорини ривожлантиришда инновацион маркетинг стратегияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

ахборот-коммуникация хизматлари кўрсатувчи компанияларнинг инновацион маркетинг стратегиялари самарадорлигини баҳолашнинг ижтимоий медиа платформалари орқали мулоқот ўрнатиш, савдони ошириш, брендларни тарғиб этиш, истеъмолчиларга ёрдам кўрсатишни рағбатлантириш омиллари асосида истеъмолчиларни ҳисобга олиб боровчи такомиллаштирилган усули Ўзбекистон Республикаси Ахборот техноло-гиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Вазирликнинг 2019 йил 7 февралдаги 33-8/953 сонимаълумотномаси). Ушбу усулни амалиётга жорий этилиши алоқа ва ахборотлаштириш хизматларини кўрсатувчи корхоналарнинг ижтимоий медиа платформаларида эълон қилинаётган контентларнинг истеъмолчилар хулқ-атворларига таъсирини чуқур ўрганиш ва самарали ижтимоий медиа маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишга имкон яратган. Натижада, «Uchtera Invest Group» МЧЖда доимий мижозлар сони 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 3 фоизга ошган, иқтисодий самарадорлик 197 млн.сўмни ташкил этган, «RBR Market» МЧЖда 145 млн. сўмни, «Brio Group» МЧЖда 655 млн. сўмни ташкил этган, «Kommersant Media Group» МЧЖда эса иқтисодий самарадорлик 17 фоизга ошган;

электрон хизматлар бозорида истеъмолчилар билан самарали муносабат ўрнатиш ва янги мижозларни узлуксиз жалб этишда инновацион мобил маркетинг стратегияларининг мобил илова, мобил қидирув, геотаргетинг, мобил ижтимоий тармоқ, QR-кодлаштириш ва яқин майдон алоқаси (Near Field Communication-NFC) технологияларидан фойдаланиш бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Вазирликнинг 2019 йил 7 февралдаги 33-8/953 сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларни амалиётга жорий этилиши натижасида «Brio Group» МЧЖда электрон тўлов тизимидан фойдаланувчилар сони 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 12 фоизга, «RBR Market» МЧЖда эса 15 фоизга ошган;

ахборот-коммуникация хизматларини тақдим этувчи компанияларнинг истеъмолчилар билан самарали коммуникация ўрнатиш тизимини контент маркетинг (content marketing), ижтимоий медиа маркетинги (social media marketing-SMM), краудсорсинг (crowdsourcing), мобил маркетинг (mobile marketing), сунъий интеллектга (artificial intelligence-AI) асосланган инновацион маркетинг технологияларидан фойдаланиш асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Вазирликнинг 2019 йил 7 февралдаги 33-8/953 сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида «RBR Market» МЧЖнинг хизматларидан фойдаланувчи истеъмолчилар сони 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 7 фоизга, «Brio Group» МЧЖнинг хизматларидан фойдаланувчи истеъмолчилар сони 10 баробарга, «Uchtera Invest Group» МЧЖнинг хизматларидан фойдаланувчи истеъмолчилар сони 9 фоизга ошган;

ахборот-коммуникация хизматлари кўрсатувчи компанияларнинг маркетинг коммуникацияси ҳисобланган веб-сайтларини ижтимоий медиалар билан интеграциясини онлайн ахборот маконларини яратиш, инновацион маркетингнинг контентни силжитиш, персонал брендинги, рейтинг ва топ сингари дастакларидан фойдаланиш воситалари орқали оптималлаштириш (Social Engine Optimization-SMO) бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятига жорий этилган (Вазирликнинг 2019 йил 7 февралдаги 33-8/953 сонли маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида вазирлик тизимидаги корхоналарда 2018 йилда 2017 йилга нисбатан қуйидаги иқтисодий самарадорликка эришилди: «Kommersant Media Group» МЧЖда веб-сайтлардан фойдаланувчи мижозлар сони 9 фоизга, сайтда реклама берувчилар сони 4 фоизга ошиб, иқтисодий самарадорлик 120 млн. сўмни ташкил этган; «Uchtera Invest Group» МЧЖда веб-сайтлардан фойдаланувчи мижозлар сони 2,3 фоизга ошган, маркетинг коммуникацияси харажатлари эса 53 фоизга камайган; «Brio Group» МЧЖда веб-сайтлардан фойдаланувчи мижозлар сони 5 баробарга ва хизмат кўрсатиш хажми 60 фоизга ошган, «RBR Market» МЧЖда веб-сайтлардан фойдаланувчи мижозлар сони 12 фоизга, хизмат кўрсатиш хажми эса 5,2 фоизга ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий конференцияда, жумладан 4 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация натижалари бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 145 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши ва апробацияси ҳамда диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ахборот-коммуникация хизматлари бозорида инновацион маркетинг стратегияларидан фойдаланишнинг назарий ва услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида ахборот-коммуникация хизматлари ва инновацион маркетингнинг мазмун-моҳияти, ривожланиш босқичлари ва унга таъсир этувчи омиллар назарий-услубий жиҳатдан изоҳлаб берилган. Шунингдек, ахборот-коммуникация хизматлари бозорида фойдаланиш мумкин бўлган рақамли маркетинг технологиялари таснифланган.

Маълумки, рақамли иқтисодиётнинг асоси бўлиб илм-фан ва АКТнинг жадал ривожланиши, ва унинг натижасидаги тараққиёт туфайли вужудга келган янги бизнес моделлар⁷ ҳамда, улар томонидан таклиф этилаётган товар ва хизматлар ҳисобланади. Халқаро валюта фонди томонидан рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси бўйича 2018 йил 28 февралда тақдим этилган ҳисоботга кўра, инновацион бизнес моделлар ва улар таклиф этаётган ахборот-коммуникация хизматларининг халқаро келишилган таърифи ва классификацияси йўқлиги сабабли, айрим жадал ривожланаётган мамлакатларда рақамли иқтисодиётнинг ЯИМдаги улуши паст кўрсаткичларда қолаётганлиги аниқланган ҳамда ушбу сектор хизматларининг классификациясини қайта кўриб чиқиш лозимлиги таъкидлаб ўтилган⁸. Шу сабабли, диссертацияда хизматлар соҳасини классификацияловчи асосий халқаро режимларининг таҳлили ўрганиб чиқилган. Ушбу таҳлил натижаларига

⁷IMF defines the digitalization of the economic activity as «the incorporation of data and the Internet into production processes and products, new forms of household and government consumption, fixed-capital formation, cross-border flows, and finance».

⁸For instance, according to Oostrom et al. (2016), businesses in Netherlands with an online presence constituted for 87 percent of turnover, and 86 percent of employment in the business segment in 2015. However, if to narrow the definition of digital economy to online stores and internet related ICT services, the indicators fall down to 7.7 percent and 4.4 percent respectively.

кўра, ижтимоий медиа платформалари ва улар орқали тақдим этилаётган товар ва хизматлар ҳеч бир классификация режимларида тўлиқ аксини топмагани аниқланди. Шу ўринда, илмий назарияларни ўрганиш асосида муаллиф томонидан ахборот ва коммуникация хизматларига «рақамли транзакциялар (яъни рақамли асосда буюрилган, рақамли платформага асосланган ва етказиб берилган) телекоммуникация ва ижтимоий тармоқлар орқали тақдим этилган хизматлар» сифатида қаралиши лозим деб топилди.

АКТнинг жадал ривожланиши нафақат янги бизнес моделларининг вужудга келиши, балки истеъмолчиларга товар ва хизматларни тақдим этиш шакллариининг ўзгаришига ҳам олиб келди. АКТ ва интернет таъсирида анъанавий маркетингнинг ривожланиш эволюцияси, муаллиф томонидан беш босқичга бўлиб тизимлаштирилиши, соҳадаги ривожланаётган инновацион маркетинг стратегияларини таққослаш имконини беради (1-жадвал).

1-жадвал

Инновацион маркетингнинг веб технологиялари таъсирида ривожланиш босқичлари⁹

Босқичлар ва йиллар	Маркетинг ёндашуви	Коммуникация воситалари
1950-1994 йй.	Анъанавий маркетинг	Почта, ТВ реклама, радио, газета ва тарқатма брошюралар, ташқи реклама
1994-2004 йй.	Анъанавий маркетинг ва интернет	Компанияларнинг брошюра таҳриридаги веб-сайтлар (brochure-ware websites), веб-сайт орқали контент рекламаси
Веб-1.0 (2005-2009 йй.)	Интернет маркетинг	Электрон почта (e-mail), қидирув тизими оптимизацияси (search engine optimization – SEO), клик учун тўлов (pay per click - PPC)
Веб-2.0 (2010 й.)	Замонавий интернет маркетинг	Электрон аудио (podcast) ва видео эшиттиришлар (vodcast), онлайн семинарлар, ижтимоий медиа (socialmedia), краудсорсинг
Веб-3.0	Ақлли маркетинг	Сунъий интеллектга асосланган маркетинг (artificialintelligence), виртуал ҳақиқат (virtualreality), мосламалар билан боғловчи интернет (internet of things)

Таъкидлаш жоизки, жаҳон олимлари томонидан маркетинг инновациялари шаклланишининг АКТ соҳасидаги ўзгаришлари билан боғлиқлик жиҳатлари бўйича маълум бир концептуал тўхтамга келилмаган. Натижада, инновацион маркетинг стратегияларини шакллантиришда веб технологиялар тараққиёти билан боғлиқ уч асосий ёндашув юзага келган: 1) Веб 2.0 технологияларининг янада такомиллашиши натижаси; 2) Веб 3.0 технологиялари вужудга келиши билан юз бераётган ўзгаришлар; 3) мутлақо янги, нафақат ақлли, балки ўзаро таъсирига эга бўлган семантик Веб технологиялари. Муаллифнинг фикрича, веб технологияларининг энг сўнгги ўзгаришлари – бу Веб 3.0 технологиясининг вужудга келиши бўлиб, унинг уч асосий компоненти яқин келажакда корхоналарда самарали маркетинг стратегияларини амалга оширишда кенг қўлланилиши кутилмоқда: 1) *виртуал ҳақиқат* (Kinset компаниясининг виртуал

⁹Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

супермаркети); 2) *воситалар билан боғловчи интернет* (технологиялар билан инсонларни ўзаро боғловчи фитнес трекерлар); 3) *сунъий интеллект* (*Facebook* ижтимоий тармоғидаги инсон юзини танувчи функцияси ва алоҳида шахслар учун мўлжалланган янгиликлар тасмаси; *Instagram* ижтимоий тармоғида матнда қўлланилаётган *emoji*нинг контекстуал маъносини автоматик равишда аниқлаш имконияти; электрон почтани спамлардан самарали филтрлаш имконияти (масалан, *Google* 99,9 фоиз спамлардан филтрлайди); плагиатни аниқлаш имконини берувчи веб платформалари (*turnitin.com*)). Ушбу технологик ривожланишлар бозорнинг ўзгаришига олиб келди: инсонлар ўртасида ўзаро муносабат ўзгарди – оммавий коллаборация ёки ҳамкорликка асосланган иқтисодиётнинг вужудга келиши; географик тўсиқлар йўқотилиши; маълумотларни таъсир доираси кенгайиши; икки томонлама осон мулоқот ўрнатилиши (лайк, бўлишиш, изох ва ҳақозо).

Тадқиқот натижаларига кўра, инновацион маркетингни нафақат инновацион технологияларга асосланган маркетинг ёндашувлари, балки янги технологиялар орқали маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш имкониятлари кенгайиши ҳамда инсонларнинг бозор муносабатларига ижодий ёндашувлари билан боғлиқлиги асосланди.

Муаллифнинг фикрича, инновацион маркетинг-мақсадли аудиторияга маҳсулот ва хизматларни етказиб беришда маркетинг коммуникацияларининг мутлақо янги ёки сезиларли даражада ривожлантирилган каналлари, дастаклари, воситалари, ғоялари, ижодий ва технологик жиҳатдан такомиллаштирилган усуллари орқали ҳаракатлантириш жараёни деб ҳисобланади. Инновацион маркетингнинг ахборот ва коммуникация хизматлари бозорида асосий тўрт тури – контент маркетинг, ижтимоий медиа маркетинги (ИММ), краудсорсинг ва мобил маркетингдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Контент маркетинг фақат маълумот ва медиани ишлаб чиқиш ва уни сотиб олувчиларга етказиш билан боғлиқ бўлиб, ҳозирда интернет ролининг ошиши сабабли ижтимоий тармоқлар контент дистрибьюциясининг асосий каналларидан бирига айланган. Контент маркетингнинг қуйидаги турлари мавжуд: ижтимоий тармоқлар; веб саҳифалардаги мақолалар; электрон/босма хабарномалар; видео; блоглар; тадбирлар; телефон орқали етказилувчи контент; инфографикалар; онлайн тақдимотлар; журналлар; бренд контент воситалари; электрон журналлар; вебинар/водкастлар; йиллик ҳисоботлар; тадқиқот ҳисоботлари; лицензияланган контент; китоблар; подкастлар; виртуал конференциялар; ўйинлар ва ҳақозо.

Ижтимоий медиа маркетинги (ИММ) эса, ушбу платформаларда нафақат контент дистрибьюцияси, балки икки томонлама мулоқот ўрнатиш, бренд имижини кўтариш ва бошқа шу каби вазифалар билан шуғулланади.

Блогларнинг асосий тўрт тури мавжуд: 1) истеъмолчининг шахсий қизиқишларини муҳокама қилиш учун яратилган блог; 2) маълум мавзуга оид ахборот (янгиликлар ва тенденция)ларни муҳокама қилиш учун яратилган блог; 3) муҳаррирлар ёки муайян мавзуларга қизиқувчи журналистлар томонидан

яратилган блог; 4) компания томонидан икки томонлама алоқани ўрнатиш учун яратилган корпоратив блог.

Оммавий ахборот воситаларида маҳсулот ва хизматларни ҳаракатга келтиришда фойдаланилувчи асосий ИММ дастакларини 1-расм орқали ифодалаш мумкин.

Краудсорсингнинг пайдо бўлиши бозорда қуйидаги тўртта ижтимоий-технологик тенденцияларнинг ривожланиши билан боғлиқ: хаваскорлик маҳорати ошиши; дастурий таъминотнинг пайдо бўлиши; веб технологияларнинг ривожланиши ҳамда онлайн-жамоаларнинг яратилиши. Ҳозирда, краудсорсингнинг тўртта асосий тури мавжуд: крауд- донишмандлик (жамоавий онг), оммани яратиш, крауд-овоз бериш ва краудфандинг.




1-расм. Ижтимоий медиа маркетинг дастаклари¹⁰

Шу ўринда, муаллиф томонидан ахборот ва коммуникация хизматлари соҳасидаги компанияларнинг маркетинг фаолиятида краудсорсинг технологияларидан фойдаланишнинг қуйидаги асосий уч йўналиши таклиф этилди: маҳсулотларни ишлаб чиқиш, товар ва хизматлар рекламасини амалга ошириш ва силжитиш ҳамда маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш.

Мобил маркетинги бугунги кунда компаниялар учун кенг имкониятларни таклиф этади. Хусусан, ахборот ва коммуникация хизматлари соҳасидаги компаниялар маркетинг амалиётида кенг қўллаш имкониятлари мавжуд бўлиб, уларнинг яқин майдон алоқаси (Near Field Communication – NFC), Bluetooth асосидаги маркетинг, мобил оптималлаштирилган веб-сайтлар, мобил ҳамён, мобил тижорат, мобил илова, мобил ижтимоий медиа, мобил оптималлаштирилган электрон почта, мобил кидирув, геотаргетинг, QR-кодлар кабилардан фойдаланиш самарали ҳисобланади.

Интернетнинг жадал ривожланиши жаҳон бозорида рақамли рекламанинг ривожланишига олиб келди ва 2018 йилда рақамли рекламадан олинган даромад 266,238 миллион АҚШ долл.га етди ҳамда 2022 йилга келиб ушбу рақам 75 фоизга ошиши прогнозланган (2-расм).

¹⁰Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



2-расм. Жаҳон мамлакатларининг «рақамли реклама» воситаларидан олинган даромадлари прогнози¹¹

Жаҳон АКТ бозори таҳлиliga кўра, интернетдан фойдаланувчиларнинг сони кундан-кунга жадал суръатлар билан ошиб бормоқда. Хусусан, 2017 йилда интернетдан фойдаланиш имкониятига жаҳон аҳолисининг 46,8 фоизи эга бўлган бўлса¹², 2021 йилга келиб, ушбу кўрсаткич 53,7 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Шунингдек, аҳолининг интернетдан фойдаланиш кўрсаткичлари ривожланаётган мамлакатларда нисбатан кескин ўсиш тенденцияси прогнозланган бўлиб, яқин келажакда ушбу мамлакатларда ахборот ва коммуникация соҳасининг жадал ривожланишига туртки бўлади.

Диссертациянинг «**Ахборот-коммуникация хизматлари бозорида инновацион маркетинг стратегияларидан фойдаланиш ҳолати**» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда ахборот ва коммуникация хизматлари бозорининг ривожланиши босқичлари ҳамда соҳа фаолиятининг иқтисодий-ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Шунингдек, мамлакатда ахборот ва коммуникация хизматларини тақдим этишда инновацион маркетинг стратегияларини татбиқ этиш усуллари таҳлил қилинган.

Мамлакатда ахборот ва коммуникация хизматлари бозорини ривожлантириш энг аввало, қонунчилик базасини такомиллаштириш билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикасини ахборотлашган жамият томон ҳаракатланишга йўналтирувчи институционал ва қонунчилик базасини ўрганишни қуйидаги икки кенг босқичига ажратиш асосида таҳлил қилинди: биринчи босқич 1991-2016 йилларни ўз ичига олиб, ушбу давр Ўзбекистонда АКТ соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган илк жараёнларни ўз ичига олган ҳамда мазкур тармоқни таркиб топиши учун асос яратди. Ушбу босқич Миллий стратегия, Ҳаракатлар режаси ва қатор Президент фармонлари ва қарорларининг ишлаб чиқилишини ўз ичига олади. Иккинчи босқич 2017 йилдан бошланган даврни ўз ичига олиб, 2017-2021 йилларда мамлакатимизни янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни қамраб олади. Мазкур ислохотларнинг натижалари жамият ва иқтисодиётнинг турли жабҳалари бўйича 320 та банддан иборат 437 та чора-тадбирларнинг амалга

¹¹<https://www.statista.com/statistics/456679/digital-advertising-revenue-format-digital-market-outlook-worldwide/>.

¹²<https://www.statista.com/statistics/325706/global-internet-user-penetration/>


оширилиши, 29 та қонуннинг қабул қилиниши ва 900 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатларининг такомиллашувига таъсир кўрсатди.

Ушбу ўзгаришлар натижасида Ўзбекистонда АКТ соҳасида куйидаги муҳим натижаларга эришилди: республика шаҳарлари ва туман марказларини рақамли телекоммуникация тармоқлари билан қамраб олиниш даражаси деярли 100 фоизга, қишлоқ жойларда деярли 90 фоизга етди; 2013 йилдан буён интернетдан фойдаланувчилар сони деярли 4 баробар ортди; Ягона порталда тақдим этилаётган электрон хизматлар сони деярли 10 мартабага ошди (302та хизмат турлари); 2013 йилдан буён интернетнинг оммавийлиги (21,4 фоизга), маълумотларни узатиш тармоқлари (25,3 фоизга) ва мобил алоқа хизматлари (54,2 фоизга) жадал ривожланиши натижасида 2017 йилда Ўзбекистоннинг алоқа тармоғи йирик даромад олувчи тармоққа айланишига олиб келди.

Ахборот ва коммуникация соҳаси мамлакат иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, рақобатбардош, самарали ва қиймати нуқтаи назаридан устун бўлган ишлаб чиқаришнинг умумий самарадорлигини оширишга, иш ўринларини кўпайтириш, экспорт салмоғи ва солиқ тушумларини ошиши, яъни иқтисодий тараққиётни таъминлашга хизмат қилувчи барча тармоқларни инновацион ривожлантирилишига олиб келади.

Ўзбекистонда ахборот ва коммуникация хизматларининг ЯИМдаги улуши 2010 йилда 2 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 1,5 фоизга пасайган. Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажми 2018 йилда 9744,1 млрд. сўмни ташкил этиб, 2010-2018 йилларда ўртача 123,1 фоизга ошган.

Аҳоли жон бошига алоқа хизматларини кўрсатиш 2010 йилда 72,1 минг сўмни ташкил этиб, унинг таркибида мобил алоқа хизматлари 51,9 минг сўмни (72 фоиз) ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб, уларнинг ҳажми мос равишда 263,2 минг сўм ва 171,6 минг сўмни ташкил этди (3-расм).



3-расм. Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига алоқа хизматлари ва уларда мобил алоқанинг улуши¹³

Республикада мобил алоқа тармоғининг динамик ривожланиши натижасида 2018 йилга келиб, мобил алоқа абонентлари сони 22,8 млн. кишига етди. Шунингдек, Республикада интернетдан фойдаланувчилар сони ўсиши натижасида, аҳолининг 35 фоизи интернет тармоғига уланган. Хусусан, 2010 йилда интернет хизматлари ҳажми 149,6 млрд. сўмни ташкил этиб,

¹³Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси маълумотлари.

умумий тармоқ абонентлари сони 6984 минг кишини ташкил этган. 2017 йилга келиб хизматлардан тушган тушум 1808 млрд. сўмни ташкил этиб, тармоққа уланган абонентлар сони 11168 минг кишига етди. Ўзбекистон Республикаси ахборот агентлигининг маълумотларига кўра, 2018 йилда интернет фойдаланувчилари сони 20 млн. кишига етган.

Шунингдек, 2017 йилда жами веб-сайтлар сони 13932 тани ташкил этиб, уларнинг 83,3 фоизи юридик шахслар томонидан бошқарилмоқда. 2010 йил билан таққосланганда веб-сайтлар сони қарийиб, 4,2 мартага ошди.

Ўзбекистон Республикасида 2015-2017 йилларда жами 149та маркетинг инновацияси жорий этилган бўлиб, уларнинг 33,6 фозини ахборот ва коммуникация соҳасига тўғри келди (50та). Ушбу таҳлиллар, мамлакатимизда ахборот ва коммуникация хизматларига талабнинг юқори ўсувчанлиги билан изоҳланади.

Жаҳон аҳолисининг 37 фоизи ижтимоий тармоқларда фаол иштирок этиши ҳамда истеъмолчилар 78 фозининг харид қилиш қарорларига ижтимоий медиа таъсир этишини ҳисобга олган ҳолда¹⁴, жаҳон бозоридаги кўплаб компаниялар учун ижтимоий тармоқлар асосий маркетинг каналларидан бирига айланган¹⁵. Мазкур тадқиқот ижтимоий медиа платформаларида амалга оширилаётган маркетинг талабларининг мақсад ва вазифалари тармоқ фаолияти ва компания миқёсига боғлиқ ҳолда фарқлаш лозимлигини келтириб чиқармоқда (4-расм).



4-расм. Ижтимоий медиа маркетинг тадбирларининг тармоқ фаолияти ва компаниянинг миқёсига боғлиқлиги¹⁶

¹⁴<https://www.statista.com/chart/6912/social-media-shopping-influence/>.

¹⁵<https://www.spredfast.com/social-media-resources>.

¹⁶Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шунингдек, миллий бозорнинг таҳлили асосида энг оммалашган ижтимоий медиа платформалари *Facebook* (47 фоиз), *Pinterest* (18 фоиз), *Instagram* (9,33 фоиз), *YouTube* (8,18 фоиз), *Twitter* (6,2 фоиз), *ВКонтакте* (4,38 фоиз) ва бошқалардан иборат эканлигини кўрсатди. Бундан ташқари, *Facebook* саҳифалари мамлакатимиз аксарият фойдаланувчилари томонидан мобил (54 фоиз) ва планшет (43 фоиз) мосламалари орқали бошқарилиши аниқланди. *Pinterest*да ҳам мулоқот кўпроқ мобил (17,74 фоиз) ва планшет (39,05 фоиз) мосламалари орқали; *Instagram*дан асосан мобил воситалари, *YouTube*дан эса кўпроқ компьютерлар орқали фойдаланилади.

Таҳлиллар натижасига кўра, *Facebook* мамлакатимиз ҳудудидаги энг машҳур ижтимоий тармоқ бўлиб, унинг аксарият фойдаланувчилари ижтимоий жамоа саҳифалари (24 фоиз), янгилик саҳифалари (20 фоиз) ва бренд саҳифаларида (19 фоиз) бошқа гуруҳларга нисбатан фаол иштирок этишлари аниқланган. Миллий компаниялар томонидан *Facebook*да энг оммалашган контент турлари сифатида қуйидагилар аниқланган: 1) мастер-класс (қисқача фото/видео сабоқлар); 2) ахборот постлари; 3) мутахассислар иштирокидаги муҳокамалар; 4) танловлар; 5) мижозлар фикрлари (муҳокама).

Компанияларнинг аксарият қисмида ИММ фаолиятини амалга оширишда блоглар ва электрон хабарномаларни ривожлантиришга эътибор берилмаяпти. Компанияларда *Facebook* бренд саҳифаларининг микроблог каби функциялари орқали истеъмолчилар билан мулоқот ўрнатишга эришилмоқда. ИММ фаолияти самарадорлигини оширишда компаниялар томонидан ўз веб-сайтидаги блоглар ва истеъмолчиларнинг компания электрон хабарномаларига обуна бўлишлар сонини ошириш борасида мақсадли стратегиялар ишлаб чиқилмаган.

Мамлакатимизнинг телекоммуникация компаниялари таҳлиliga кўра, барча брендлар ижтимоий тармоқ мансублигига (*Facebook*, *Одноклассники*, *Instagram*, *Twitter*, *YouTube*, *Telegram* ва *LinkedIn*) эга бўлсада, уларнинг ҳар бирининг ижтимоий тармоқдаги иштироки ўзаро фарқланади. Хусусан, *Beeline* ва *Ucell* брендлари, *UMS* ва *Uzmobile* брендларига нисбатан ижтимоий тармоқларда бирмунча фаолроқ (пост, эълон қилинган контент ва танловлар сони кўплиги билан) бўлиб, ушбу брендлар асосан компаниянинг янги хизмат таклифларидан иборат турли контентларни (асосан видео) гуруҳ иштирокчилари билан бўлишиши ва ҳар бир контент компания веб-сайтига йўналтирувчи линклар билан таъминланганлиги аниқланди.

Мазкур компаниялар ижтимоий тармоқларда фаол иштирок этишига қарамай, уларнинг интернет платформаларидаги маркетинг фаолияти мониторинги ва баҳолашига етарлича эътибор қаратилмаяпти. Миллий телекоммуникация брендларининг ижтимоий тармоқлардаги фаолияти мониторинги ва баҳолаш стратегиялари таҳлили асосида компаниялар қуйидаги умумий таснифдаги формулалардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ, жумладан: бренднинг таниқлилиги даражаси, ҳар бир постга муносабат билдириш даражаси, компаниянинг ижтимоий саҳифасига обуна бўлганлар сони ошиши ва ҳақозо. Бироқ компанияларнинг ИММ фаолиятларини баҳолаш тизими, компаниянинг умумий стратегик маркетинг ёки алоҳида маркетинг тадбирларининг мақсад ва вазифалари билан боғланган ҳолда баҳоланмайди.

Натижада мониторинг ва баҳолаш орқали олинган маълумотлар бозорни тўлиқ ўрганиш ва компаниянинг маркетинг фаолияти самарасини оширишга имкон бермайди. Ушбу таҳлиллар асосида миллий бозордаги компанияларнинг ижтимоий тармоқлардаги маркетинг фаолиятини уч асосий босқичга ажратиш мумкин: 1) таништириш; 2) жалб этиш; 3) тинглаш (2-жадвал).

2-жадвал

Миллий компанияларнинг ижтимоий тармоқлардаги маркетинг фаолиятининг таснифланиши¹⁷

Маркетинг фаолияти	Маркетинг тактикаси
Таништириш	Бренд жамоаси саҳифасини яратиш ва силжитиш
	Йўналтирилган ижтимоий тармоқлар орқали силжитиш
	Контент ва медиани силжитиш
Жалб этиш	Компанияларнинг ахборот маконларини яратиш ва ривожлантириш
	Интерфаол танловлар орқали силжитиш
	Фикрлар етакчилари (энг таниқли фойдаланувчилар) орқали силжитиш
	Вирус тавсифидаги маркетингдан фойдаланиш
	Компания ходимлари орқали силжитиш
	Персоналлаштириш орқали силжитиш
Тинглаш	Бозор тадқиқотлари билими асосида маҳсулот ва хизматларни силжитиш

Компанияларнинг аксарият қисми брендларни таништириш ва жалб этиш босқичлари билан чекланиб қолмоқда. Бироқ самарали маркетинг стратегиясини шакллантиришда асосий босқич – тинглаш ҳисобланиб, у компаниянинг мавжуд маркетинг стратегия ва тадбирлари фаолиятининг самарали мониторинги ва баҳолашига кўра, бозор таҳлили натижалари асосида брендни силжитишга қаратилган стратегик ҳаракатлар мажмуидир.

Диссертациянинг «**Ахборот-коммуникация хизматларини силжитишда инновацион маркетинг стратегияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш**» деб номланган учинчи бобида компанияларнинг инновацион маркетинг стратегияларини ривожлантириш ва мониторингини амалга ошириш усуллари таҳлил қилинган. Ахборот ва коммуникация хизматлари кўрсатувчи компаниялар веб-сайтларини ижтимоий медиалар билан оптималлаштириш, инновацион маркетинг стратегиялари самарадорлигини баҳолаш усуллари такомиллаштирилган.

Республикадаги компанияларнинг ижтимоий тармоқлардаги фаолияти таҳлили натижаларига кўра, телекоммуникация компаниялари истеъмолчилар томонидан бирмунча кам фойдаланилувчи ижтимоий медиа платформалари, *LinkedIn* ва *Odnoklassniki.rudan* ҳам кенг фойдаланадилар. Ушбу платформаларда маркетинг фаолиятини амалга ошириш учун талаб этилаётган ресурсларнинг бошқа ижтимоий тармоқларга сарфланиши компаниянинг ИММ

¹⁷ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

фаолияти самарадорлигини оширишга олиб келади. Шунингдек, таҳлил натижаларига кўра, *Pinterest* ижтимоий медиа платформаси *Instagram*га нисбатан икки баробар кўп миллий аудиторияни қамраб олган, шу сабабли ушбу платформада компанияларнинг иштирокини ўрнатиш ва кенгайтириш таклифи илгари сурилади.

Шу билан бирга, *Odnoklassniki.ru*нинг ўрнини аста-секин *ВКонтакте* эгаллаб бораётганлиги сабабли, ундаги маркетинг тадбирларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги кунда *Odnoklassniki.ru* тармоғидаги миллий аудиториянинг асосий қисми 18-40 ёш аҳоли бўлиб, географик жиҳатдан асосан вилоятларда истиқомат қилувчи ва уларнинг кўпчилиги фақат ўзбек тилида мулоқот қилишлари аниқланган. Ушбу ҳолат, *Odnoklassniki.ru* платформаси ўзбек тилида тақдим этилган дастлабки ижтимоий тармоқлардан бири бўлганлиги билан изоҳланади. Айти пайтда *Odnoklassniki.ru* платформасидаги ёши 40 ва ундан катта бўлган асосан рус тилида мулоқот қилувчи аҳоли сонининг ўсиб бораётганлигини ҳам таъкидлаш муҳим. *ВКонтакте* эса 25-40 ёш оралиғидаги аҳоли ўртасида тобора оммалашиб бормоқда.

